

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 87 (13.420)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VA ҚОЗОҒИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзаро келишувга мувофиқ Ўзбекистон
Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
билан Қозоғистон Республикаси
Президенти Нурсултон Назарбаев
ўртасида 24 апрель куни телефон орқали
мулоқот бўлиб ўтди.**

Давлат раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, илмий-техник, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик фаоллашганини мамнуният билан қайд этдилар.

2017 йилнинг 22-23 март кунлари Остона шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги самарали музокаралар Ўзбекистон – Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини амалий мазмун билан бойитди ва ўзаро ҳамкорлигининг янги истиқболларини белгиллаб берди.

Томонлар яқин йилларда қулай шароитлар яратиш, бизнес субъектлари ўртасида бевосита ва узоқ муддатли шериклик алоқаларини ўрнатишга қўмаклашиш, транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятини ошириш ҳисобидан ўзаро товар айирбошлаш ҳақими 5 миллиард долларга етказиш ҳақидаги мўлжалли тасдиқладилар. Худудларо, аваламбор, чегараолди худуд-

лар ўртасида алоқаларни янада кенгайтириш, маданий-гуманитар муносабатларини фаоллаштириш қўллаб-қувватланди.

Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия ўзаро ҳамкорлигининг барча йўналишларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб эттиши таъкидланди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қозоғистон қардош халқларимизнинг вақт синовидан ўтган ўзаро муносабатларига амал қилган ҳолда, бундан буён ҳам мамлакатларимиз барқарор иқтисодий тараққиётини таъминлашга қаратилган қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишни қўллаб-қувватлашни қайд этдилар.

Томонлар минтақавий ва халқаро сиёсатга оид айрим масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Сўхбат Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларига ҳос самимий ва дўстона, ўзаро англашув ва ҳурмат руҳида ўтди.
ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА СИНГАПУР ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БИР- БИРЛАРИНИ ҚУТЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Сингапур Республикаси Президенти Тони Тан Кенг Ям давлатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан бир-бирларига табрик йўлаганлар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўз қутловидида ўтган даврда "узоқ муддатли ва серқирра ҳамкорлиқни йўлга қўйишда сезиларли натижаларга эришилди", "Ўзаро сиёсий мулоқот, жумладан, халқаро ташкилотлар доирасидаги муносабатлар, савдо-иқтисодий ва инвестициявий, маданий-гуманитар алоқалар ривожланиб бормоқда", деб мамнуният билан таъкидлаган.

Ўзбекистонда юқори технология ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳисобидан мамлакатимизни модернизация қилиш ва технология янгилашга ҳисса қўшаётган Сингапур компанияларининг самарали фаолияти алоҳида эътирофга лойиқ. Бугунги кунда Тошкентда Сингапур менежментни ривожлантириш институ-

ти муваффақиятли фаолият юритмоқда, Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқлари учун юқори малакали кадрлар тайёрламоқда.

Сингапур Президентининг қутловидида бундай дейилади: "Сингапур ва Ўзбекистон 20 йилдан буён ҳам ўзаро муносабатларда, ҳам халқаро майдонда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатларимиз ташқи ишлар вазириликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувлар мунтазамлик касб этган. Ўзбекистонда Сингапур олий таълим муассасалари ва компаниялари фаолият юритмоқда. Доимий сиёсий ва иқтисодий мулоқотлар Сингапур ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик муносабатлари ва яқин ҳамкорлигининг ёрқин ифодасидир".

Президент Тони Тан Кенг Ям қутловидида "Сингапур ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро муносабатларни халқларимиз фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамлаш мақсадида Сиз билан ҳамкорлик қилиш имкониятини қутиб қоламан", деб таъкидлаган.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2018–2022 ЙИЛЛАРДА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб бериш сифатини ошириш ва узлуқсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш, замонавий тежамкор ва энергияни иқтисод қиладиган технологияларни жорий этиш асосида иссиқлик таъминоти тизимининг асосий фондларини янгилаш ва модернизациялаш, ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида:

1. Қуйидагилар республикада иссиқлик таъминоти тизимини янада ривожлантиришнинг устувор вазифалари этиб белгилансин:

иссиқлик таъминоти тизимига энергия ва ресурсларни тежайдиган янги технологиялар ва ускуналарни, шу жумладан, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда жорий этиш;

энергия самарадорлиги юқори бўлган маҳаллий қозонхоналар қуриш, шунингдек, хонадонларга яқка тартибда ички иссиқлик таъминоти тизимини ўрнатиш йўли билан қўшма хонадонли ўй-жой фонди, ижтимоий ва бошқа объектларнинг номарказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш;

жисмоний ва маънавий эскирган тежамкор бўлмаган қозонхона агрегатларини алмаштирган ҳолда ишдан чиққан магистрал ва тақсимлаш иссиқлик тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш;

энергия ресурслари истеъмол қилиниши ва ишлаб чиқарилишининг меъёр бўйича ҳисобга олинишини ташкил этиш, истеъмолчиларнинг иссиқлик таъминоти хизмати ҳақини ҳисоблаш ва тўлашнинг автоматлаштирилган ҳисоб-китоб тизимини жорий этиш;

ноншлаб чиқариш харажатлари ўсишига йўл қўймаслик ва иссиқлик энергиясини етказиб бериш, тақсимлаш ва истеъмол қилишда меъёридан ортиқча нобудгарчиликларни камайтириш ҳисобида сарф-харажатларни қисқартиришга йўналтирилган иссиқлик таъминоти тизимида ягона техник сиёсатни амалга ошириш.

2. 2018–2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда – Дастур) тасдиқлансин, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

2018–2022 йилларда маҳаллий қозонхоналарни модернизациялаш ва реконструкция қилиш параметрлари 1-иловага мувофиқ;

2018–2022 йилларда энергия самарадорлиги юқори бўлган маҳаллий қозонхоналар қуриш, жумладан, геотермал ресурсларни қўллаш параметрлари 2-иловага мувофиқ;

2018–2022 йилларда маҳаллий қозонхоналарни модернизациялаш ва реконструкция қилиш параметрлари 3-иловага мувофиқ;

2018–2022 йилларда иссиқлик тармоқларини модернизациялаш ва реконструкция қилиш параметрлари 4-иловага мувофиқ;

2018–2022 йилларда хонадонларга яқка тартибда ички иссиқлик таъминоти тизимини ўрнатиш параметрлари 5-иловага мувофиқ;

2018–2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш комплекс тадбирлари 6-иловага мувофиқ;

3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Ўй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари – Дастурнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилиши учун масъул бўлган ижро этувчи органлар ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Ўй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Қўшма хонадонли ўйлар ва иссиқлик таъминоти объектлари қуриш бўйича инжиниринг компанияси – Дастур доирасида лойиҳаларни амалга ошириш бўйича буржумачи ҳисобланади;

"Иссиқлик-энергетика" акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика "ЎЙ-ЖОЙ" лойиҳа институти – Дастур доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳа ташкилотлари ҳисобланади.

4. Қуйидагилар тасдиқланган Дастурни амалга оширишни молиялаштириш манбалари сифатида:

а) маҳаллий қозонхоналарни модернизациялаш, реконструкция қилиш ва қуриш қисмида;

ижтимоий соҳа объектлари учун – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни ҳисобига марказлаштирилган инвестиция маблағлари;

қўшма хонадонли ўйлар учун – хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатларининг ўз маблағлари, тижорат банклари кредитлари, пудрат ташкилотларининг маблағлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ўй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Ўй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

б) маҳаллий қозонхоналарни ҳамда иссиқлик тармоқларини модернизациялаш ва реконструкция қилиш учун – иссиқлик таъминоти ташкилотларининг ўз маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни ҳисобига марказлаштирилган инвестиция маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Ўй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Ўй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳамда халқаро молия институтларининг маблағлари;

в) хонадонлар ички яқка тартибдаги иссиқлик таъминоти тизимини ўрнатиш учун – турар жой ва нотурар жой хоналари мулкдорларининг маблағлари, шунингдек, тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари;

г) маҳаллий қозонхоналар ва иссиқлик тармоқларини модернизациялаш ҳамда реконструкция қилиш бўйича дастурларни амалга ошириш доирасида лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари (техник-иқтисодий ҳисоб-китобларини) ТИА (ТИХ) ишлаб чиқиш учун – Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг маблағлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ўй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Ўй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

д) маҳаллий қозонхоналарни модернизациялаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича лойиҳаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун – Ўзбекистон Республикаси Ўй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Ўй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ ТОЖИКИСТОНЛИКЛАРДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТДИ

**Аввал хабар қилинганидек, Тожикистонда
Ўзбекистон Республикаси саноат
корхоналари маҳсулотларининг миллий
кўргазмаси ўтказилди.**

Кўргазма мамлакатимизнинг иқтисодий ва экспорт салоҳияти, инвестиция сиёсати билан Тожикистон ишбилармон доира вакиллари таништириш, халқимизнинг бой маданий-тарихий мероси ва туризм соҳасини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон ва Тожикистоннинг вазирликлари ва идоралари ходимлари, тадбиркорлар, журналистлар, Афғонистон, Озарбайжон, Беларус, Эрон, Қатар, Қозоғистон, Россия, Саудия Арабистони, Туркменистон, Франция, Япония каби давлатлар вакиллари, БМТ, ЕХТТ, Европа Иттифоқи, халқаро молия институтлари вакиллари иштирок этди.

Кўргазмада мамлакатимизнинг 160 дан зиёд компанияси 1 минг 500 турдаги маҳсулотларини намойиш этди.

Душанбе шаҳридаги "Пойтахт – 90" савдо марказида электротехника, кабель, кимё ва нефть-кимё, фармацевтика, сантехника, тўқимачилик, озиқ-овқат, чарм маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва бошқа товарлар намойиш этилди.

Очик кўргазма майдонида қишлоқ хўжалиги ва транспорт техникаси, хусусан, енгил, юк ташувчи ва махсус автомобиллар, автобуслар, велосипед ва мотоцикллар, тракторлар, пахта териш машиналари ва турли ускуналар тақдим этилди.

Кўргазмага келганлар Ўзбекистон мустақиллик йилларида миллий саноатни ривожлантиришда улкан ютуқларга эришганини таъкидладилар.

Тадбир доирасида ўтказилган бизнес-форумда икки мамлакат ишбилармон доираларининг 500 га яқин вакили қатнашди. Форумда сўзга чиққан Тожикистон Республикаси Инвестициялар ва давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси раиси Ф.Саттор ва бошқалар мамлакатларимиз пойтахтлари ўртасида авиакатновларнинг йўлга қўйилгани муҳим аҳамиятга эга эканини, ушбу кўргазма ва бизнес-форум ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

Бизнес-форумда Тожикистон вакиллари қўшма корхоналар ташкил қилиш, савдо бозорларини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги, гидроэнергетика, тоғ-кон, озиқ-овқат, тўқимачилик ва фармацевтика саноати, транспорт, логистика, коммуникациялар, машинасозлик, қурилиш, туризм ва бошқа соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор эканини билдирди.

"Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техника воситалари намойиши "Тожиқагролизинг" компанияси, фермер ва деҳқон хўжаликлари вакилларида қизиқиш уйғотди. Бунинг натижасида қиймати 3 миллион АҚШ доллариға тенг битим ва шартномалар имзоланди.

Кўргазма ва бизнес-форум аяқлари бўйича Ўзбекистон ва Тожикистон тадбиркорлари ўртасида кимё ва нефть-кимё, электротехника, озиқ-овқат, фармацевтика, тўқимачилик, чарм-пойабзал маҳсулотлари, автомобилсозлик ва машинасозлик маҳсулотларини етказиб бериш бўйича 50 миллион доллардан ортиқ қийматдаги меморандум, шартнома ва битимларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари маҳсулотларининг миллий кўргазмаси ва унинг доирасидаги тадбирлар Тожикистон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилади.

ЎЗА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**"Ўзэкспо-
марказ"да
"JobFair – 2017"
ўнинчи
ихтисослаш-
тирилган бўш
иш ўринлари
ярмаркаси
бўлиб ўтди.**



ЁШЛАР БАНДЛИГИ: ЯНГИ ИМКОНияТЛАР

MyJob.uz амалий тармоғи ва "Карьера+" газетаси тахририяти томонидан ўтказилган тадбирнинг очилишида мамлакатимизда янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини оширишга доимий эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Харакатлар стратегияси муҳим дастуруламал бўлаётди.

Стратегияда мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув юрти муассасаларининг битирувчилари бандлигини ҳамда меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилма ривожланишини таъминлаш, ишсизлик да-

ражасини камайтириш ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурига мувофиқ 2016/2017 ўқув йилидаги 450 минг битирувчини иш билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, 800 дан ортиқ ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркасини бевосита касб-хунар коллежларида ўтказиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган талабаларга 360 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратиш, ногирон ва кам таъминланган oilалар фарзандлари бўлган коллеж битирувчилари учун 50 мингта иш ўрнини банд қилиш режалаштирилган.

(Давоми 2-бетда)

XXI *саҳоси*
аср
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг Гулистонда ўтказилган кенгайтирилган сайёр йиғилишида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Сирдарё вилоятидаги ижроси кўриб чиқилди.

• Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичлари бўлиб ўтди.

• Наманганда "Тиллар ҳамдўстлиги – маданиятлар ҳамдўстлиги" мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Наманган давлат университети ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари профессор-ўқитувчилари, тилшуносо олимлар, таржимонлар, талабалар иштирок этди.

• Навоий вилояти Навбахор туманида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан хотин-қизлар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш борасида партиянинг вазифаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Мисрда фиръавн Рамзес II даврида бунёд этилган баландлиги 11 метр, оғирлиги 75 тонна бўлган улкан ҳайкал тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, Луксор шаҳрида кенг омма иштирокида унинг тақдимот маросими ўтказилди. Ушбу ноёб ҳайкалнинг тикланиши мамлакатда сайёҳлар оқимининг янада кўпайишида муҳим омил бўлиши таъкидланмоқда.

• "E-Volo" немис стартапи электр двигателда ишловчи "Volocopter 2X" ҳаво таксисини тақдим қилди. "Volocopter 2X" вертикал учадиган ва кўнадиган транспорт воситалари тоифасига киради ва икки нафар йўловчини ташишга мўлжалланган бўлиб, келажақда у учувчисиз ёки масофадан туриб бошқарилиши мумкин. Бундай транспорт воситасини учувчилик лицензиясига эга исталган одам бошқара олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ2018–2022 йилларда иссиқлик таъминоти
тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

5. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, "Иссиқликэлектрлойд" АЖ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика "ЎзИжтисотинг" лойиҳа институти, "ТошуйжойЛИТИ" АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда:

2017 йилнинг 1 сентябрга қадар марказий қозонхона-ларни, иссиқлик тармоқларини модернизациялаш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳаларнинг ТИА (ТИХҚ) иш-лаб чиқиши ва ваколатли органларда экспертизадан ўткази-лишини ҳамда маҳаллий қозонхона-ларни модернизация-лаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиши ва ваколатли органларда экс-пертизадан ўтказишнинг таъминласин;

лоийҳаларнинг ТИА (ТИХҚ) ва лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда тасдиқланиши натижалари бўйича Дас-тур доирасида лойиҳаларнинг амалга оширилиши учун масъ-ул бўлган пудрат ташкилотларини тегишли тажрибага, техник ва молиявий салоҳиятга эга бўлган ташкилотлар орасидан тендер (танлов) асосида аниқлаш, бунда тендер (танлов) ҳуж-жатларида маҳаллий қозонхона-лар қуриш ва кейинчалик улар-га таъмирлаш-сервис хизмати кўрсатиш назарда тутилсин.

6. Дастурни амалга ошириш доирасида бир босқичли тартибда лойиҳаларнинг ТИА (ТИХҚ)ларини тасдиқлаш бил-ан бирга лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқишга рух-сат берилсин.

7. Лойиҳада энергия самарадорлиги юқори маҳаллий қозонхона-лар ёки хонадонларга яқна тартибда ички иссиқ-лик таъминоти тизимидан фойдаланиш назарда тутилмаган ан-гич қурилатган кўп хонадонли уйлар, шунингдек, ташки-лотлар ва идораларнинг бинолари бўйича архитектура-ре-жаллаштириш топшириқларига розилик бериш қатъиян та-қиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қури-лиш қўмитаси, "Ўзстандарт" агентлиги Ўзбекистон Респу-бликаси Халқаро қуёш энергияси институти билан биргали-кда ички ой мuddатда маҳаллий қозонхона-лар, хонадонлар-га яқна тартибда ички иссиқлик таъминоти тизими, қуёш коллекторлари билан бирга лойиҳалаштирилган объектлар-

нинг энергия самарадорлиги бўйича шахарсозлик нормала-ри ва қоидаларини, шунингдек, қуёш коллекторларини тай-ёрлаш, синаш ва қўллаш бўйича давлат стандартларини ишлаб чиқсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги "2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги ПҚ-2343-сонли Қарори билан тузилган Республика энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш комиссия-си зиммасига (А.Н.Арипов) қуйидаги вазифалар юқлансин:

Дастурни амалга оширишнинг мувофиқлаштириш ва мони-торинг қилиш;

иссиқлик таъминоти тизимида энергия ва ресурсларни тежайдиган янги технологиялар ҳамда ускуналарни жорий этиш бўйича, жумладан, қайта тикланувчи энергия манба-ларидан фойдаланган ҳолда тавсияномалар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўр-сатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари раҳ-барларининг Дастур амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисо-ботларини ҳар чоракда эшитиб бориш;

Дастур параметрларига асосли ўзгартиш ва аниқликлар киритиш.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги 2018 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекис-тон Республикасининг Инвестиция дастурини шаклланти-ришда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазир-лар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларин-г асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Дастурни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюд-жети ҳисобидан марказлаштирилган капитал маблағлар ли-митлари ажратилишини назарда тутилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ман-фаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда санаот кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюм-лар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурини ишлаб чиқишда 2018 йилнинг 1 январидан бош-лаб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энергия самара-дорлиги юқори маҳаллий қозонхона-лар, хонадонларга яқна

тартибда ички иссиқлик таъминоти тизимлари ишлаб чиқа-ришни ташкил қилишни назарда тутилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, "Ўзтрансгаз" АЖ, "Ўзбекэнерго" АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят-лар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари белгиланган тартиб-да, мансублиги бўйича қурилатган маҳаллий қозонхона-ларга зарур муҳандислик ва коммуникация тармоқлари тор-тилишини, шунингдек, табиий газ, электр энергияси ва совуқ сув узлуксиз бериб турилишини таъминласинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазир-лар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси, "Ўздавнефтегазинспекция" давлат ин-спекцияси, "Ўздавэнергоназорат" давлат инспекцияси билан биргаликда маҳаллий қозонхона-лар, хонадонларга яқна тар-тибда ички иссиқлик таъминоти тизимлари ўрнатилиши ва фойдаланишга қабул қилиниши устидан доимий назоратни таъминласинлар.

14. Республикада ишлаб чиқарилмайдиган, Дастурни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб қилинадиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар 2023 йилнинг 1 январига қадар божхона тўло-лари тўлашдан (божхонада расмийлаштириш учун йиғим-лардан ташқари) озод қилинсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфа-атдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ички ой мuddатда қонун ҳужжатларига ўшбу қарордан келиб чиқа-диган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Рес-публикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекис-тон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқа-руви раиси А.Ж.Раматов зиммасига юқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 20 апрельЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "2018–2022 йилларда
ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИ
ТЎҒРИСИДА" ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Аҳоли ҳамда ижтимоий соҳа объектлари учун қулай шарт-шароит яратишда иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти бўйича узлуксиз ва сифатли хиз-мат кўрсатиш энг муҳим омиллардан бири са-налди.

Мамлакатимизда марказлаштирилган иссиқ-лик таъминоти тизими 1950–1970 йилларда очик сув таъминоти ҳамда бино ва иншоотларнинг иситиш тизимларини иссиқлик тармоқларига улаш схемаси асосида ташкил қилинган.

Монтаж қилишда кам маблағ сарфланадиган, аммо фойдаланишда катта миқдорда маблағ та-лаб қиладиган бундай марказлаштирилган иссиқ-лик таъминоти тизимларининг ўзига хослиги ички иситиш тизими ва иссиқлик тармоқлари қувурла-рининг ишлаб чиқиш мuddати қисқалиги, иссиқ-ликни ишлаб чиқариш, транспортировка ва истеъм-ол қилишда эксплуатация ҳаракатларининг юқори-лиги, тармоқлар орқали сув узатиш ва иссиқлик қуввати таъминотида белгиланган меъёрдан ортқ маблағ сарфланиши билан ифодаланади.

Бугунги кунда қозонхона ускуналари ва тар-моқларнинг ўта эскиргани сабабли, мавжуд ис-сиқлик таъминоти тизимида иссиқлик манбала-ридан мақбул даражада фойдаланишнинг имкони бўлмаганди, бу эса иссиқлик таъминоти қорхона-лари фаолиятига, истеъмолчиларни иссиқлик ҳа-мати ва иссиқ сув билан таъминлаш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Марказлаштирилган иссиқлик таъминотидан узилган айрим кўп хонадонли уйлар қўлчица сер-тификатга эга бўлмаган ва ёнғич хавфсизлиги қафолатланмаган газ ва электр ускуналари бил-ан иситилмоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг VII пленуми бўлиб ўтди.

КЕЛГУСИДАГИ ВАЗИФАЛАР
БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Кенгаш раиси Х.Бабаханов Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқлан-ган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Рес-публикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дас-тури ижросидан келиб чиқиб, партия таш-килотлари ва депутатлик бирлашмалари фаолиятини янада қулайтириш, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чўқурлаштириш, мамлакатини модернизация қилишда партия ташкилотларининг фаол иштирокчини таъминлаш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Пленумда – "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дасту-рида белгиланган вазифаларнинг ижроси-ни таъминлашда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳининг фаолиятини яна-да қулайтириш, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия қўмитасининг 2016 йилда амалга оширган йилдаги юзасидан ҳисоботи, халқ депутатлари Тошкент ша-ҳар Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депу-татлик гуруҳининг 2016 йилдаги фаолият-и юзасидан ахбороти, Кенгашнинг 2016 йилдаги бюджетте ижроси ва 2017 йил бюджетининг асосий кўрсаткичлари ҳамда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши таркибининг қисман янгиланган тўғрисидаги масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Бугунги кунда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожланти-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2018–2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизи-мини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қаро-ри истеъмолчиларга иссиқлик энергияси еткази-б бериш сифатини ошириш ва узлуксизлигини таъминлаш, иссиқлик таъминоти тизимини за-монвий тежамкор ва кам энергия сарфлайди-ган технологияларни жорий этиш асосида янги-лаш ва модернизация қилиш, ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали ва оқилона фойдала-нишга доир чора-тадбирларни изчил амалга оши-риш мақсадида қабул қилинди.

Мазкур қарор билан мамлакатимизда иссиқ-лик таъминоти тизимини янада ривожлантириш бўйича қуйидаги устувор вазифалар белгилаб бе-рилди:

иссиқлик таъминоти тизимига энергия ва ре-сурс тежайдиган янги технология ва ускуналар-ни, жумладан, қайта тикланадиган энергия ман-баларидан фойдаланган ҳолда жорий этиш;

кўп хонадонли уй-жой фонди, ижтимоий ва бошқа объектларнинг марказлаштирилмаган ис-сиқлик таъминоти тизимини энергия самарадор-лиги юқори бўлган маҳаллий қозонхона-лар қуриш, шунингдек, хонадонларга яқна тартибда ички ис-сиқлик таъминоти тизимини ўрнатиш орқали ри-вожлантириш;

жиомоний ва маънавий эскирган, тежамкор бўлмаган қозонхона агрегатларини, ишдан чиқ-қан магистрал ва тақсимлаш иссиқлик тармоқ-ларини модернизация ва реконструкция қилиш, алмаштириш;

энергия ресурслари истеъмоли ва ишлаб чи-қарилишини меъёр бўйича ҳисоблашни амалда қўллаш, истеъмолчиларни ҳамда иссиқлик таъ-миноти хизматларини ҳисоблаш ва тўловларни амалга оширишга автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимини жорий қилиш.

Қарорда 2018–2022 йилларда марказий қозон-хона, иссиқлик тармоқлари, маҳаллий қозонхо-наларни модернизация ва реконструкция қилиш, энергия самарадорлиги юқори бўлган, жумла-дан, гелиоқурилмаларни қўллаш орқали маҳал-лий қозонхона-лар қуриш, хонадонларга яқна тар-тибда ички иссиқлик таъминоти тизимини ўрна-тиш параметрлари, шунингдек, иссиқлик таъми-ноти тизимини ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тасдиқланди.

Ушбу қарорда Дастурнинг ўз вақтида ва сама-рали амалга оширилиши учун Ўзбекистон Рес-публикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ва-зирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазир-лар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳоким-ликлари масъул этиб, шунингдек, иссиқлик таъ-миноти хизматлари кўрсатиш (ишлаб чиқариш, ташкил, тақсимлаш) ва истеъмол қилишнинг бар-ча босқичи инноватга олинган ҳолда лойиҳаларни амалга оширишга комплекс ёндашуви қўзда ту-туви Иссиқлик таъминоти тизимини комплекс ри-вожлантириш ва модернизация қилиш концепция-сини ишлаб чиқиш белгиланди.

Юқорида қайд этилган лойиҳаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бю-джети, ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкат-ларининг ўз маблағлари, тижорат банклари кре-дитлари, пудрат ташкилотлари маблағлари ва Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хиз-мат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал

ҳўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағ-лари ҳисобидан 1,7 триллион сўм йўналтириш қўзда тутилган.

Қарорда маҳаллий қозонхона-лар ва хонадон-лар ичидagi яқна тартибдаги иссиқлик таъми-ноти тизимининг энергия самарадорлиги бўйича шахарсозлик меъёр ва қоидаларини ишлаб чи-қиш, бино ва иншоотлар лойиҳасида уларга қуёш коллекторлари ўрнатишни назарда тутиш, шу-нингдек, қуёш коллекторларини тайёрлаш, син-новдан ўтказиш ва қўллашга доир давлат стан-дартларини ишлаб чиқиш белгиланди.

Шунингдек, 2018 йилнинг 1 январидан бош-лаб мамлакатимизда энергия самарадорлиги юқори бўлган маҳаллий қозонхона-лар, хонадон-ларга яқна тартибда ўрнатиладиган ички иссиқ-лик таъминоти тизимлари ишлаб чиқаришни таш-кил қилиш ҳамда уларни Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаш-тириш дастурига киритиш назарда тутилган.

Мазкур қарорнинг ижро этилиши:

биринчидан, шаҳар ва туман марказларида иссиқлик таъминоти тизимини тубдан яхшилаш, аҳоли учун ижтимоий-маиший қулай шароитлар яратиш;

иккинчидан, барча тоифадаги истеъмолчилар-ни иссиқлик энергияси ва иссиқ сув таъминоти билан таъминлаш;

учинчидан, самарадорлиги юқори бўлган қозон-хона ва насос ускуналарини ўрнатиш, шунинг-дек, замонавий технологияларни қўллаш ҳисо-бидан табиий газ ва электр энергиясини тежаш имконини беради.

ЁШЛАР БАНДЛИГИ:
ЯНГИ ИМКОНияТЛАР(Давоми.
Боши 1-бетда)

Анъанавий "JobFair" бўш иш ўринлари ярмаркаси меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш ва ёшлар ўртасида банд-ликни оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Унда таълим муассасалари битирувчилари ва тажрибали мутахас-сислар ўзларига мос иш то-пиш, қорхона ва ташкилот-лар бўш ўринларига муно-сиб номзодларни танлаб олиш имконига эга бўлмоқ-да.

Ярмаркада Ўзбекистон-да турли йўналишларда фаолият юритаётган ет-мишта компания иштирок-этди.

– Мамлакатимизда замо-навий ахборот технология-лари жадал таракқий эта-ётгани самарасида соҳада юқори малакали кадрларга бўлган талаб ортиб бормоқ-да, – дейди Ўза муҳбирига "East Telecom" масъулияти чекланган жамияти ходим-лар билан ишлаш бўлими бошлиғи вазифасини баҳа-рувчи Малика Мақсудова. – Бугунги кунда жамоамиз-нинг 70 фоиздан ортиғи

ижодкор ва ташаббускор ёшлардан иборат. Сафи-мизни ёш мутахассислар билан янада кенгайтириш мақсадида бугунги ярмар-када янги иш ўринлари так-лиф этмоқдамиз.

– Бу каби ярмаркалар ма-лакали ходимларни жалб қилиш учун жуда қулай май-дондир, – дейди "Woodman Group" қўшма қорхонаси хо-димлари танлаш бўйича менежери Альбина Хафизо-ва. – Биз бугун 30 га яқин турли мутахассисликлар бўйича иш ўринлари так-лиф этдик. Бу анжуман

компаниямизда эҳтиёж юқори бўлган мутахассис-ларни топиш ва ишга так-лиф қилиш учун айна му-дао бўлди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олиш мақсадида 24-28 апрель кунлари "JobFairOnline – 2017" онлайн-ярмарка ҳам ўтказилади. Талабгорлар www.jobfair.uz интернет пор-тали орқали онлайн тарзда иштирок этиб, иш бериучи-лар билан бевосита муло-қот қилиши ва ишга жойла-шиши мумкин бўлади.

Б.БОЗОРОВ

Тошкент шаҳар ҳокимининг
ҚАРОРИТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БОЗОРЛАР ВА
САВДО КОМПЛЕКСЛАРИНИНГ
МАЪМУРИЯТИ ТОМОНИДАН УНДИРИБ
ОЛИНАДИГАН БИР МАРТАЛИК
ЙИГИМЛАР, ИЖАРА ТЎЛОВЛАРИ ВА
КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР
ҚИЙМАТИНИНГ ЯНГИ
МИҚДОРЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ
ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбир-лари тўғрисида"ги ПҚ-1326-сонли Қарорига ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2010 йил, 3 май, 17-сон, 131-мод-да.) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мо-лия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси то-монидан 2017 йил 13 январдаги 2-сонли ҳамда 2017-02-сонли қарори (рўйхат рақами 2854, 2017 йил 20 январь) ("Ўзбекистон Республи-каси қонун ҳужжатлари тўплами", 2017 йил 23 январь, 3-сон, 48-модда) билан "Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти то-монидан ундириб олинмаган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорла-ри" тасдиқланганлигини инobatга олиб, "Ма-ҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбе-кистон Республикаси Қонунининг 25-модда-сига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенга-шининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда;) асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қуйидагилар:

Бозорлар ва савдо комплекслари маъмури-яти томонидан ундириб олинмаган бир мар-талиқ йиғимларнинг миқдорлари 1-иловага мувофиқ;

"Iste'molda bo'lgan transport vositalari va ehtiyoj qismlar Sergeli bozori" масъулияти чек-ланган жамияти томонидан кўрсатилган хиз-матлар учун ундириб олинмаган тўловлар ҳамда ижара ҳақи миқдорлари ва "O'rikzor savdo kompleksi" масъулияти чекланган жами-яти томонидан кўрсатилган хизматлар учун ун-дириб олинмаган тўловлар ҳамда ижара ҳақи миқдорлари 1.1 ва 1.2-иловаларга мувофиқ;

бозорлар ва савдо комплексларида инвен-тарларини ижарага бериш ва кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган тўловларининг миқдорлари 2-иловага мувофиқ;

бозорлар ва савдо комплекслари баланси-даги бино ва иншоотлардан фойдаланганлик учун ижара тўловларининг миқдорлари 3-ило-вага мувофиқ;

бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида-ги умумий фойдаланиладиган объектларни сақ-лаш бўйича кўрсатиладиган мажбурий хизмат-лар учун ундириладиган тўлов миқдори 4-ило-вага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департа-менти (Р.Абдумажитов), Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бoshқармаси Тошкент шаҳар бўлими (У.Мусур-монов), Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бoshқармаси (М.Тахиров), "Тошбозорсав-до" уюшмаси (С.Нематуллаев);

Бозорлар ва савдо комплекслари маъмури-яти билан биргаликда бозорлар ва савдо ком-плексларида бир марталик йиғимлар, тўлов-лар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган мажбурий хизматлар қийматининг янги миқ-дорларини жорий этиш бўйича белгиланган тартибда зарур тадбирлар ўтказилишини таъ-минласин.

3. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2016 йил 16 мартдаги "Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томони-дан ундириб олинмаган бир марталик йиғим-лар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хиз-матлар қийматининг янги миқдорларини жо-рий этиш тўғрисида"ги 241-сонли қарори (3-бандидан ташқари) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор "Тошкент ошқомии" ва "Ве-черний Тошкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.toshkent.uz веб-сайтига жой-лаштирилсин.

5. Қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қучга қиради.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбо-сари Н.Хусанов ҳамда Савдо, хизмат кўрса-тиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи Р.Абдумажитов зиммаларига юқлатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р.УсмановТошкент шаҳри,
2017 йил 20 апрель

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.



Инсонга ҳар куни тинчлик-осойишталик ва хотиржамлик керак. Тинчлигини йўқотган хонадон ҳам, мамлакат ҳам асло хотиржам бўла олмайди. Тинчлик-хотиржамлик – тараққиёт гаровидир.

Биз азал-азалдан тинчликсевар халқмиз. Айнан шу гоё тарғибига бағишланган буюк миллий маънавий меросимиз бор. Уларнинг барида тинчликнинг қадрига етиш тарғиб этилади, уруш эса батамом қораланади.

9 майни Хотира ва Қадрлаш куни тарзида умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келаётганимиз замирида ҳам айнан ана шу эзгу мақсад ётибди.

II жаҳон урушида Ўзбекистонимиздан 1 миллион 433 минг 230 нафар одам иштирок этди. 604 минг 52 нафар ҳамюртимиз уруш майдонларидан ногирон бўлиб қайтди, 450 мингдан ортиқ ватандошимиз эса қонли жангларда ҳалок бўлди.

Ҳамон ораимизда қанчадан-қанча уруш қатнашчилари, фронт ортида меҳнат-машаққат чекканлар бор. Ўтганларни хотирлаш, сафимизда юрганларнинг эса қадрига етиш керак.

Мустақил Ўзбекистон халқи ва давлати аввал-бошдан тинчлик-товушлик тарафдори сифатида майдонга чиқди.

Ана шу асосларга кўра, мустақиллик йилларида ҳам бизда 9 май умумхалқ байрами сифатида, 1999 йилдан бошлаб эса Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонлаймиз. Дарҳақиқат, Мустақил давлатнинг байрамлари ҳам халқ табиати ва анъаналарига мос бўлиши керак. Чунки ҳар бир халқ қандай яшаши, нимани қадрлаши, қайси саналарни тантана қилишини ўзи ҳал этади. Бунда ўз тарихидан келиб чиқади, бугунги ўйлайди ва келажакни кўзда тутди.

Умуман, дунёқарашни, яъники тафаккурни миллийлаштириш, миллий мафқурани шакллантириш ярим мустақиллашкан жасаддан қутулган ёш давлат учун шу қадар муҳим эдики, бу – мамлакатнинг мамлакат, давлатнинг давлат бўлиб туришини таъминлайдиган бош омиллардан саналади.

Шу маънода мустақилликка эришганимиздан сўнг 9 майни шўро талқинидан қайтариб қайтаришнинг оғиш-шуйишларига мутлақо мос қилинган эди. Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ҳар бир халқ уни ўзича эслайди, қурбонларини ўзича хотирлайди, жангдан омон қайтган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган ва бугун сафимизда юрган фахрийларни ҳам ўзича қадрлайди.

Ўз мустақиллигига эришган давлатлар ичидан Ўзбекистон бунинг чинакам намунасини кўрсатди. Хотира ва Қадрлаш куни энди ўзгача, аниқроғи, миллий хусусият касб этди. Бу байрамнинг мазмун-моҳияти буткул ўзгарди – у халқ хотираси ва инсонни қадрлаш қунига айланди.

Халқ хотираси деганда киши кўз ўнгидан Ватан йотидосидан бугунги қадар шу юрт, шу халқ деб қурашган, куч-қудрати, ақл-заковати, аямаган, керак бўлса, шу йўлда жон фидо қилган не-не буюк зотлар бир-бир ўтди. Спитамен, Широкдан Туркон Хотун, Махмуд Торо-бийгача, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбекдан Захриддин Муҳаммад Бобурга, Жалолиддин Мангубердидан, Нажмиддин Куброгача ёдга тушаверади.

Хотира ва Қадрлаш куни чинакам миллий – умумхалқ байрамга айланди. Шу куни Ўзбекистоннинг барча қабристонларидан зиёратчилар аримайди.

Бу байрамда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирланади, Афғонистон урушида ҳалок бўлганлар шўро сиёсатининг бегуноҳ қурбонлари сифатида эсланади, умуман, ўтганлар руҳи ёдга олинади, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотираси олдида ҳурмат бажо келтирилади.

Бу дунёнинг марказида ҳазрати инсон туради. Шунан тана олманган ҳар қандай гоанинг мағзи – пуч, пойдевори – бўш, иморати – омонат. Фашизм ҳам, шўро мафқураси ҳам худди ана шу – инсонга, унинг табиати, феъл-атвори, мақсад-муддао-ларига зидлиги, унинг эҳтиёж манфаатларидан келиб чиқмагани учун буткул мағлубиятга учради.

Ҳамма ёқда номаълум аскарнинг рамиёй қабрига дуч келар эдик... Ҳолбуки, жангда ҳалок бўлган тирик жоннинг ҳеч бири номаълум эмас эди. Ҳар бирининг ота-онаси, шахару қишлоғи, маҳалла-қўйи, қавму қариндоши, қўни-қўшини, борини, умр йўлдоши ёхуд севган ёри бор эди-ку!..

Очиғи, ўтган замонда қурбонларни хотирлаш ҳам, тирик қолганларнинг қадрига етиш ҳам шунчаки, яъни расмийат учунгина эди, ҳолос. Одам-

лар шахс сифатида эмас, омманинг таркибий қисми тарзидагина эсланарди. Ҳолбуки, ҳар қандай сиёсат ҳам, аслида, инсон учун, унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши керак эмасми?!

Инсонни, унинг табиатини менсимаслик, шахсни шахс ўрнида кўрмаслик эски мафқуранинг мағзи-мағзиға сингиб кетган ақида эди. Одамга факат сиёсий гоғлар йўлида бир мурватдег қаралар эди. Сиёсатда ҳам, ҳаётда ҳам шу бе-маъни ақидага амал қилинар эди.

Энди Тошкент шаҳрининг марказида – Хотира майдонидаги 1999 йил 9 май куни очилган қадди дол Мотасаро она сиймоси пойига битилган: “Сен доимо қалбимдасан, жигарим!” – деган сўзларнинг инсонийлигини, самимийлигини ўйлаб, бир юракдан ҳис этиб кўрайлик. Ҳалок бўлган тирик жон кимнингдир жигарпораси, демек, шу Ватаниннинг фарзанди-ку! Ҳар бирининг ортидан

уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур Фармонда 1941 – 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига 2 миллион сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти бериш кўзда тутилган. Ушбу пул мукофотлари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига тантанали ва байрамона вазиятда топширилади.

Фармонда, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига Маданият, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Бадий академия, Республика Маънавият тарғибот маркази, “Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъни-шарафи ҳимоячиларига бағиш-

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни

ХОТИРА – МУҚАДДАС, ҚАДР – АЗИЗ

қанча одам қон йиғлаб қолди. Умрининг сўнгги лаҳзасига қадар кўзларида ёши қурмай, ўлини – жигарпорасини қўтиб ўтган қанчадан-қанча мотасаро она бор эди. Дахшати урушда ҳалок бўлган отажонини кўрмаган, унга, лоақал, бир бора бўйсин: “Дадажон!” – деб мурожаат қилмаётган яшаётганлар – қанча.

9 майнинг Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши бизда сиёсатнинг инсонийлашганидан, давлатнинг ҳазрати инсонга қайишганидан далолат беради. Урушда ҳалок бўлган ҳар бир ўзбекистонлик – Ватанимиз фарзанди эди. Уларни ёддан қайтаришга ҳеч бири мизнинг ҳаққимиз йўқ. Истиклол йилларида 35 жилдик “Хотира” китоби чоп этилди. Энди эса уруш қурбонларининг номи мамлакат пойтахтидаги Хотира майдонида ўрнатилган темир “дафтар”га зарҳал харфлар билан битиб қўйилди.

Бу ерга зиёратга келган ҳар бир ватандошимиз, албатта, ўз жигари, ҳеч бўлмаганда, бирор қўишисининг номига дуч келади. Беихтиёр, ўтганлар руҳига тилловат дуолар қилиб, юзига фотиҳа тартади...

...Яқинда Сурхондарё вилояти “дафтар”и олдида зиёратга келган бир кизнинг, афтидан, онасига қўнғирқоқ қилиб, йиғлаб: “Бобомнинг исм-фамилияларини топдим! Бор эканлар!” – деб айтаётганига ғувоҳ бўлдик. Ўлган ўлиб кетди. Лекин унинг ёди тириклар учун бефарқ эмас-ку. Эҳтимол, она қизини атайлаб шуни аниқлаб келиш учун Тошкентга юборгандир...

Хотира майдонида темир “дафтар”ларда қатор-қатор номлар ёзиб қўйилган бўлса, беихтиёр бу исм-фамилияларнинг ҳар бири бир инсон эканини ўйлайсиз, улар орасидан ўзингизга таниш, қалбингизга яқин, қони қонингизга туташ кишиларни қидирасиз ва топасиз ҳам...

Хуллас, Ўзбекистоннинг хоҳлаган шахари, исталган қишлоғи ёхуд овулидан келган одам бу ерга кириб, қай бир яқинининг муборак номини топади, албатта. 1999 йил 9 майдан эътиборан бу майдон мамлакатимиз фуқароларининг қалбига яқин, ўтганлар руҳи ёдга олинган, дуолар ижобат бўладиган ғўшасига – муқаддас маконга айланди. Шундан буён бу ер – зиёратчилар билан гавжум.

Ҳозир барча минтақаларимиз, қўллаб шаҳарларимиз ва туманларимиз марказларида ҳам шундай хотира майдонлари барпо этилди, бу хайри иш изчил давом эттириляпти.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг: “Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларини улуғлашни назарда тутамиз”, – деган қимматли сўзлари замирида ана шундай моҳият ётибди.

Мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрамига қизгин тайёргарлик кўриш ишлари бошланиб кетди. Шу йилнинг 4 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва

ланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказиш вазифаси ҳам топширилди. Ҳозирги кунда жойларда бу борада турли-туман тадбирлар, учрашувлар ва хотира кечалари бўлиб ўтмоқда.

Бундан ташқари Фармонда белгиланганидек, шахримизда истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг 300 нафарга яқинига енгил автомобилларни имтиёзли харид қилишга оид сертификатлар тақдим этилган бўлиб, шу кунларда эл-юрт эъзозидagi фахрийларимизга уларнинг “хоҳиш-истакларига” мувофиқ “Дамас”, “Ласетти” русулни ўзимизда ишлаб чиқарилган автомашиналар Тошкент шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари, туманлар ҳокимлари, “Нуроний” жамғармаси ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди шаҳар бўлиmlари раҳбарлари, “Камолот” ЕИҲ етакчилари, маҳаллалар оқсоқоллари иштирокида тантанали равишда топширилмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши тугаганига 72 йил тўлди. Бу бир инсоннинг ўртача умрига тенг. Ораимизда шу ёшдан катта бўлганларгина уруш даврини кўрган. Бирок, ғалабага эришилганидан кейинги йиллар осон кечди, деб ўйлайсизми? Ёки бу жангу жадаллар асоратлари бир умр одамлар қалбида чандик бўлиб қолмадими? Ким ҳам урушда ҳалок бўлган жигарини унута олади?

Инсон бор экан, хотира – муқаддас. Ҳеч ким, ҳеч нарсга эсдан чиқмайди. Халқ бугунги тинч-хотиржам замонни асраб-авайлаш, қадрига етиш учун ҳам урушни, унинг қаҳрамонларини, ғалабага муносиб ҳисса қўшган ҳеч бир кишини хотирасидан фориғ қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қароридида алоҳида таъкидланганидек: “Хотира – кечаги ўтмиши, аждодлар ўғити-ни, миллий меросимизни англитиб турувчи муқаддас китоб зарварларидек ҳаётимизни ёритиб туради. Қадр – инсонни юксакликка кўтар-ди, унинг фаолиятига, орзу-интилиш-ларига, мақсад-маслақларига олижаноблик бағишлайди”.

Ушбу қонуности ҳужжатида мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш куни, Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчиси, фронт орти меҳнат фахрийлари ҳамда мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотираси олдида ҳурмат бажо келтириш, юртимизда меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида қамол топтириш ҳамда бу муқаддас айёмни юксак савияда нишонлашга қаратилган Дастур маъқулланган.

Жумладан, ёлғиз ва кам таъминланган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари турар жойи ва уй ҳўжа-ликларини таъмирлаш, ободонлаштириш ҳамда ўз уй-жойига эга бўлмаганларига турар жой ажратиш

бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Мамлакатимизнинг турли минтақаларида истиқомат қилувчи 1941 – 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт орти меҳнат фахрийлари вакилларининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган маросимларга темир йўл ёки автомобиль транспортида келиб-кейтиши, меҳмонхоналарда жойлаштириш, овқатланиши, маданий ҳордиқ чиқариши ҳамда зарур ҳолларда кийим-кечак билан таъминланиши ҳам кўзда тутилган.

Давлат тарафидан кўрсатилаётган бу ғамхўрликларнинг бари мазкур умумхалқ байрами маъзунидаги қадрлаш моҳиятининг амалий жиҳатини яққол намоён этади.

Кунлар кунларни, йиллар йилларни қувиб, бу қўхна чархи фалак шу сирли коинот яралганидан бери айлангани-айланган. Айни шу инсоннинг абадий – боқий эмаслиги онг-шууримизда хотира деган тушунчани пайдо қилган бўлса, ажаб эмас. Негаки хотирагина ўтганларни эслаш, бугунни кечанинг ёди билан тўлдириш, яъни уни янада бойитиш имконини беради. Хотира ва қадрлаш тушунчалари – моҳиятан бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Байрамни янгича номлашда улар ўрта-сидаги ана шу узвийлик асос қилиб олинган.

Хуллас, ушбу умумхалқ байрамининг янгича талқини туфайли хотира ҳам, қадрлаш ҳам миллий онгимиздаги оҳорий, муайянлашган фалсафий тушунчага айланди.

“Фалсафанинг бош муаммоси нима?” – деган савол, қарийб, башарият яратилганидан буён кишилар баҳсу мунозарасига сабаб бўлиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу мунозарани қандай давом эттириш, бугун унга қай тарзда ечим топиш – илмининг иши.

Бирок шарқона, содда, энг муҳими, халқона фалсафа шуки, инсон онг-тафаккури учун асосий муаммо – борлиқнинг абадийлиги киши умрининг ўткинчилиги ўртасидаги қарама-қаршилиққа муҷассам. Хотира – одамларнинг вафотидан кейин ҳам бу дунёда яшаш учун имкон берадиган бирдан-бир макон. Одамлар – ортда қолганлар хотирасида яшашга интилиш илгирчи кишини тарбиялайди. Уни эзгуликларга, кишиларнинг бирор-бир қорига яраб қолишга, умрни зое кетказмасликка ундайди.

Шундай кишилар тириклигида ҳам қадр топади. Халқ ҳеч қачон яхши фарзандларини эсдан чиқармайди. Халқнинг хотирасида яшаш асло мумкин эмас...

Хотира ва Қадрлаш куни – дунёқарашимиздаги ана шундай тамома янги фалсафий ҳодиса. Мустақил Ўзбекистон сиёсатидаги бу фалсафийлики сезмаслик, тан олмаслик, тарғиб қилмаслик мумкин эмас.

Мутаносиблик, миллийлик, инсонийлик, фалсафийлик, рағбат бирлашган жойда ҳаёт дарахти гуллаб-яшнайдди. Ҳаёт – ҳамиша ширин. Байрамлар инсоннинг қалб торларини черта олиши билан ҳаётни янада ширинроқ қилади, одамларни элу юртни кўпроқ севишга ундайди, оламда меҳр-муруват, ҳурмат-эътибор, қадрқиммат ва оқибат уруғларининг кўпроқ сочилишига ҳисса қўшади.

Пойтахтнинг Хотира майдони зиёрати кишида қамиди ана шундай ҳис-туйғулар, фикр-ўйлар уйғотади. Энди кимки инсонлигини эсга олмоқчи, умрининг ўткинчилигини, бир лаҳза бўлсин, дилдан ҳис этмоқчи, ҳаётини бекорга ўтказмаслик, Ватанга қўлдан келгани қадар фидойиларча хизмат қилиш фикрини мустаҳкамламоқчи бўлса, шу пок руҳлар кезиб юрган муқаддас маконни зиёрат қилсин.

Тўғраги мотамсаро она – Ватан рамзи. “Сен доимо қалбимдасан, жигарим!” – деган сўзларини она гўё Ватан бўлиб, халқ бўлиб айтаётгандек...

Шундай қилиб, истиқлол йилларида байрамларимизга муносабатимиз тўдан янгиланган орқали миллий онгимиз, инсоний тушунчаларимиз, фалсафий оламимиз бутунлай ўзгариётгани, XXI асрга тамоман бошқача руҳий-маънавий дунёқарашимиз билан кириб келганимизни пайқаш қийин эмас.

Хотира ва Қадрлаш кунини муносиб нишонлашдан кўзлаган бош мақсадимиз – Ватан ҳимоячиларини хотирлаш, орамиздаги фидойий инсонларнинг, тинчликнинг қадрига етиш, урушни қоралаш, тинч-осойишта яшаётганимиз, турмуш фаровонлигини таъминлаш учун тер тўкиб, унумли меҳнат қилаётганимизнинг шукронасини қилишдан иборат.

Бу ҳар қандай кишини маънан рағбатлантиради, уни яшашга, яратишга, элу юртга садоқат ва катъият билан хизмат қилишга ундайди.

Зеро хотира ҳамиша муқаддас, қадр азиздир.

Олим МАҲМУДОВ

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

ОДАМЛАРНИ ЭШИТИШ, ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛИШ – РАҲБАРЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ

Ҳаётда бирон-бир муаммога дуч келган одам аввало дардини ким биландир бўлишгиси келади. Шундай лаҳзада сизни қимдир диққат билан эшитса, бир оғиз ширин сўз билан таскин берса, руҳиятингиз енгиллашиб, мушқулингиз осонлашгандай бўлади. Қўпинча тўғри берилган йўл-йўриқ туфайли кишида муаммони енгитишга ишонч пайдо бўлади. Сизни эшитиш, сизга таскин бериш билан чекланмай, амалий ёрдамга қўл чўзилганда эса одам ўзини чин маънода бахтли ҳисоблайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган замирида одамларнинг дардига дармон бўлиш, ҳалқ-қўимизнинг ҳар бир вақилини бахтли кўриш ҳўкматини муҷассам.

Ўзбекистон Республикаси Президенти дивонининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати масўл ходимларининг сайёр қабуллари ташкил этилаётгани турли соҳа ва тармоқлар раҳбарларининг аҳоли ҳўзурига келиб, уларнинг муаммоларини эшитиб, ҳал этишга қамарбаста бўлаётгани жорий йилдан халқимиз қўтган амалий натоқалардандир.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида ташкил этилган сайёр қабулда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилаётган сайёр қабуллар аҳоли дуч келаётган муаммоларни ҳал этишга қаратилгани таъкидланди. Бу жараёнда ҳар бир соҳа масўллари ўзига тегишли масала билан келган фуқарони диққат билан эшитиб, унинг мурожаати ечимини топувча уни ўз назоратига қатъий олиши шартлигига эътибор қаратилди.

Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизimini тўдан тақомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган мурожаатлар “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қатъий амал қилган ҳолда, тўлиқ, ҳолис ва ўз вақтида кўриб чиқилди.

Сайёр қабул давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига Мирзо Улуғбек тумани аҳолиси томонидан йўлланган мурожаатлар атрофлича кўриб чиқилди.

Мазкур тумандан тушган мурожаатлар соҳалар бўйича ўрнанилганда уларнинг асосий қисмини уй-жой олиш, уй қўриш учун ер ажратиш, суд, банк-молия, моддий ёрдам, пенсия таъминоти ҳамда соғлиқни сақлаш, меҳнат, бандлик, таълим, тадбиркорлик, ободонлаштириш қабии масалалар ташкил этиш маъълум бўлди.

Фуқаролардан келиб тушган бундай мурожаатлар ҳар томонлама таҳлил қилиниб, уларнинг юзасига келиш сабаблари ўрганилди. Бунда қўл қолларда айрим мутасадди раҳбарлар ўз вазифасига лоқайдлик ва масўлиятсизлик билан ёндашаётгани кўрсатиб ўтилди. Одамларни ҳаётдан рози қилиш, қонуний мурожаатларини эътиборсиз қолдирмасдан қисқа муддатда ҳал қилиш давлат идоралари раҳбарларининг биринчи даражали вазифаси экани ва уларнинг фаолиятига ана шу мезондан келиб чиққан ҳолда баҳр берилишига уруғ бериб ўтилди.

Сайёр қабул жараёнида фуқаролар ва тадбиркорлар ўзларини қийнаётган муаммолар юзасидан бевосита тегишли соҳаларға масўл раҳбарларға мурожаат қилиш ва улар юзасидан жавоб олиш имконига эга бўлди. Шу кўни мурожаатларнинг аксарият қисми жойида ечимини топи, қўшмича ўрганиш ва вақт талаб қиладиган мурожаатлар бўйича мутасадди идора ва ташкилотлар вакилларига топшириқлар берилди.

Мисол учун, фуқаро Лобар Мирзаевага қон касаллиги юзасидан шу ернинг ўзида бепул даволаниш учун ордер берилиши маълум қилинди.

Фуқаролар билан ташкил этилаётган бундай очиқ мулоқотлар жараёнида қўнчилиқнинг мушқули осон бўлаётир, – дейди соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Элимира Боситхонова. – Айтиб ўтиш керакки, айрим кишилар ўз ҳақ-ҳўқуқларидан яхши хабардор эмаслиги, қанчон, қаерға мурожаат қилишни билмаслиги туфайли овора бўлади. Тан олиш керак, айрим ҳолларда қўи бўғи раҳбарларининг масўлиятсизлиги оқибатида вақтида тиббий ёрдам ололмаётганлар ҳам учраб турибди. Ана шундай ҳолларда сайёр қабуллар аҳолининг жонига оро қирмоқда.

Фуқаро Малика Охунжонова ногиронлиги боис юришга қийналиши, иложи бўлса, ногиронлик аравачаси ажратилишини сўраб мурожаат қилди. Унинг мурожаати мутасаддилар томонидан асосли деб топилиб, икки кун муддатда илтимоси қаноатлантирилдиғани бўлди.

Термизлик Мукаррам Раҳмонова Тошкент шаҳридан уй-жой сотиб олиш ва пропсияга кириш масаласида келган экан. Унинг талаби бўйича ички ишлар органлари ходимлари бу борадаги қонун-қонда бўйича тушунтириш берди.

Сайфиддин Жалолов тадбиркорлик фаолиятига тўқилиқ қилинаётгани юзасидан мурожаат қилган. Тадбиркор дуч келаётган муаммони тезкорлик билан бартараф этиш юзасидан шу ернинг ўзида мутасаддиларға топшириқ берилди.

Айрим фуқаролар маҳаллалардаги қўчалар аҳоли ёмонлиги, уларни таъмирлаш вақти келганини, айримлар коммунал хизмат қўриқчининг қонирқисилиги, болалар майдончаларини қуриш зарурлигини билдирди. Халқимиз манфаатига хизмат қиладиган бу масалаларни ҳал этиш туман ҳўкмиллигига топширилди.

Мулоқот жараёнида ҳудудимизда ечимини қўтаётган муаммолар қўлиғи аён бўлди. – дейди ўА муҳбирига Мирзо Улуғбек тумани ҳўким Шерзод Қўлибе. – Уларни тезкорлик билан ечиш, аҳоли билан маҳаллий раҳбарларнинг очиқ мулоқоти тиз-тез ташкил этиш зарурлигини ўзимизға вазифа қилиб олдик. Ҳар бир хонадонға кириш ва уларнинг муаммоларини ечишға масўлимиз.

Тадбир давомида аҳолиға яратилаётган қўлайлиқлар – янги уй-жойлар қурилиши, йўллар таъмирланиши, ижтимоий соҳа объектлари бунёд этилиши билан боғлиқ маълумот берилди. Бундай бунёдкорлик ишлари давлат бюджетте маб-лағлари асосида амалға оширилади. Бюджет аҳолидан ту-шадиган турли йиғимлар эвазига шакллантирилади. Лекин бунни қарангки, туман аҳолисининг биргина газдан қарадор-лиғи 28 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Доно халқимиз қасб икки қўлдан чиқади дегандек, аҳоли ҳам зиммасидаги масўлиятини унутмас, туманининг ижтимоий аҳоли янада яхшилланган, халқ фаровонлиғи ошган бўлади.

Норгул АБДУРАИМОВА

